



ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОГИСТИК КОМПАНИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жумаев Мурод Гафурович

“EXPRESS MAIL UNIVERSAL” МЧЖ

Бош директори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7161877>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 04th October 2022

Online: 08th October 2022

KEY WORDS

Логистика, логистик тизим, логистик элементлар, логистик занжир, логистик хаблар, инфратузилма, лизинг, молиялаштириш, кредитлаш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Иқтисодиёти тармоқларида замонавий бозор муносабатларининг барча кўринишлари, хусусан, логистика инфратузилмаларини турли соҳалардаги корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш ва унда логистик элементларнинг қўллашни ва режалаштиришни такомиллаштириш, логистик компанияларнинг молиялаштиришда лизинг ташкилотларининг ўрни мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 28 сентябрь куни транспорт соҳасида ислохотларни жадаллаштириш масаласи бўйича йиғилишда: “Бу соҳа – иқтисодиётнинг қон томири. Транспорт ва логистикани янги босқичга олиб чиқмасак, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлай олмаймиз”¹ деб таъкидлади. Йиғилишда учта йўналиш – темир йўл транзити имкониятини кескин ошириш, авиацияни қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатадиган соҳага айлантириш, халқаро транзит юклари учун замонавий автомобиль йуллари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар белгиланди.

Стратегик ислохотлар агентлиги таркибида транспорт соҳаси бўйича алоҳида гуруҳ тузиб, асосланган таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари энг асосийси халққа енгилликлар яратиш эканини алоҳида таъкидлади. Темир йўл саноат ва тадбиркорликни

ривожлантиришда катта ўрин тутиши қайд этилиб, бу тизимнинг қувватини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, замонавий электр поездлар олиб келиш, вагонларни таъмирлаш, носоҳавий активларни чиқариш орқали тизимни молиявий соғломлаштириш зарур. Авиация соҳасида ҳам қулайликларни кўпайтириш, Бухоро, Хоразм ва водий вилоятлари аэропортларини ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириб, хизматлар сифатини яхшилаш керак.

Президентимиз автомобиль йўлларининг сифати ва салоҳиятига алоҳида тўхталди. Маълумки, бу соҳада лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда назорат функциялари битта ташкилотда жамланган. Бунинг оқибатида кўп йўлларда сифат йўқ. Шу боис йўл қурилишида илғор стандартларни жорий этиш, лаборатор ишларни кучайтириш, пудратчилар

¹ <http://pravacheloveka.uz/uz/news/rassmotreny-predlozheniya-po-razvitiju-transportnogo-sektora>



масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим шартларидан бири товар ва хизматларнинг изчиллик билан жаҳон бозорига кириб боришидан иборат. Бу жараёни амалга оширишда транспорт ва логистика тизими асосий омил ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун логистик инфратузимасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурдир. Миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳасини ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида қулай ишбилармонлик муҳити яратилиши иқтисодиётимиз равнақида алоҳида ўринга эга. Ҳозирда бу соҳани ривожлантирмай, иқтисодиётимиз келажагини таъминлаш мушкул.

Рақобатчилар билан кескин курашда корхонанинг бошқариш тизимининг фаолиятида асосий масала унинг фаолияти, логистик стратегияси ва тактикасини бозорнинг ва истеъмол соҳасининг узлуксиз ўзгариб турувчи вазиятига иложи бориша максимал мослаштиришдан иборат. Ушбу истиқболли соҳани ривожлантириш мақсадида, давлатимиз томонидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда ва турли имтиёзлар яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан “Логистика марказлари ва TIR-парклар тармоғини тубдан ривожлантириш, автотранспорт

воситалари ва ҳаво кемалари паркинни кенгайтириш ҳамда уларни сифатли ёнилғи-мойлаш материаллари билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминлаш талаб этилади”². Шу билан бирга логистик инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш юксак халқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган миллий транспорт тармоғини ривожлантириш соҳасида ягона комплекс стратегияни ишлаб чиқиш, республика маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг ўз маҳсулотини минтақа ва жаҳон бозорларига истиқболда олиб чиқиш талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда унинг халқаро транспорт коммуникацияларига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш дея таъкидлаганди³.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Республикада сўнгги йилларда логистик компанияларда молиялаштиришда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш ишлари анча фаоллашди. Кичик ва хусусий бизнес корхоналарида, хўжаликларида логистик фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг ривожланишини таъминлаш учун кўплаб амалий ҳаракатлар қилиш талаб этилади. Ушбу масаланинг долзарблиги яна шундаки, логистик тизимини қўлламай туриб молия хизматлари бозоридан самарали фаолият кўрсатиб бўлмайдди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига асосланган ягона иқтисодий тизимга интеграциялашиши ҳам мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиб бориши, логистик инфратузилмалардан самарали фойдаланишни, мазкур йўналишда логистикаси

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо

йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

³ Хўжаев Ф.Е. Пўлатхўжаева Д.М. Айтиева С.А. Тижорат ва сервис логистикаси. Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент” 2018.



стретигияларни ишлаб чиқиш долзарб масалалар жумласидан бўлиб турибди. Логистика ва унинг фаолияти бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, қтиоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Европалик иқтисодчи олимлардан бири Джеймс С.Джонсоннинг фикрича: “Логистика – маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида тайёрланганда олинган иқтисодий самарадорлик ҳақида маълумотлар келтирганлар” деб таъриф берган⁴.

Ушбу таърифни таҳлил қиладиган бўлсак, бозор муносабатлари жуда мураккаб тузилган ва логистика фаолияти барча бозор муносабатларига хизмат кўрсатиши деярли имконсиздир. Масалан, давлатнинг барча минтақалари бир хил даражада ривожланмаган, баъзи ҳудудларда ўзаро олди-сотди ва бошқа бозор муносабатларида логистика фаолиятининг иштироки яхши ривожланмаган. Логистика фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усуллурини такомиллаштириш соҳасида Америкалик иқтисодчилар Ж.У.Фени, ва П.Д. Джонсонлар венчур капитали кичик бизнес ва логистик корхоналарини акциядорлик капиталини молиялаштириш деб тушунтириб ўтганлар⁵.

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликдан қора ва рангли металлургия, кимё саноати каби экспортга йўналтирилган хом ашё тармоқлари учун қулай имконият яратилади.

Глобаллашув шароитида узлуксиз-тақсимот жараёнлари – моддий, молиявий, ахборот ва уларнинг мажмуавий қўлланиш жараёнларини ташкил этиш замонавий

иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Аста-секин уларнинг самарадорлигини ошириш логистизациялаш асосида амалга оширилади.

Логистизациялаш – узлуксиз-тақсимот жараёнларини қисқартириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган логистиканинг механизмлари ва воситаларидан фойдаланишдир. Алоҳида таъкидлаш зарурки, логистика – моддий, ахборот ва молиявий оқимларни самарали бошқариш, режалаштириш ва ҳаракатга келтиришга қаратилган фаолиятдир. Логистик концепция ва ишланмаларнинг таҳлили кўрсатмоқдаки, сотув логистикаси ҳамда интеграциялашган логистиканинг концепцияларини қўллаш товарларни ташқи бозорларга олиб чиқиш самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Логистиканинг механизмлари ва воситаларидан фойдаланиш ҳисобига мажмуавий ҳолда товарлар экспорти ва импорти ҳажмини координациялаш мақсадга мувофиқ.

Бу йўналишда хорижий мамлакатларнинг тажрибасини келтириш ўринли. Яққол мисол сифатида АҚШ компанияларининг металлургия маҳсулотларининг Европа мамлакатларига самарали экспорт қилинишини келтириш мумкин. Маълумки, хорижда ишлаб чиқарилган металл товарларининг Европа Иттифоқи бозорларига олиб кириш чегараланган, сабаби – минтақада пўлат ишлаб чиқариш бозорига хорижий компанияларнинг кириб келишини чекловчи ўз ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар амал қилади.

⁴ Джеймс С. Джонсон, Дональд Ф. Вуд, Дэниел Л. Вордлоу, Поль Р. Мерфи-мл. Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие. – М.: “Вильямс”, 2015.

⁵ Стратегическое развитие малаго бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства [Электронный ресурс]: монография. Нижний Новгород: НОО “Профессиональная наука”, 2018.- Режим доступа: <http://scipro.Ru/Conf/monographbusiness>



Ушбу таърифдаги транспорт компаниялари ва уларнинг имкониятлари, омборхоналар, юкларни ташиш, қадоқлаш, инвентаризацияни бошқариш, юкларни юклаш ва тушириш терминаллари ва чакана дўконларга тегишлидир деган жумла ҳам фалсафий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тўғри эмас. Чунки логистика фаолияти фақат транспорт компаниялари ўртасида фаолиятни амалга оширмайди, балки улар ўртасидаги муносабатларда бир тарафнинг розилиги ва топшириғига кўра иккинчи ёки бошқа иштирокчиларга маҳсулотни етказиб беришда воситачи бўлади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Б.Т. Салимов ва М.С. Юсуповларнинг фикрича “Логистикада мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳақида маълумотлар бериб ўтишган⁶.

Хўжаев Ф.Е. Пўлатхўжаева Д.М. Иқтисодий логистика асосан тўрттабўғинда шаклланади. Булар молиявий, тижорат, ахбарот, сервис логистикалари. Ушбу тизимда Тижорат ва сервис логистикаси асосий ўрин егаллайди. У материал оқимларини қонуний ташкил етилганлиги, моддий оқимларни кузатиб борувчи молиявий, ахбарот ва сервис оқимларини ўрганади. Логистикани молиялаштиришда моддий оқим -тижорат логистикасининг асосий тури бўлиб бу бир вақтнинг ўзида иқтисодий материянинг ташкилий ва унинг ҳаракат шакли ҳисобланади. Иқтисодий оқимларни ташкил қилишнинг шакллари ўрганиш учун алоҳида ёндашув зарур: улар фақат логистика тизимининг мувозанатли шароитларида самарали бўлиши мумкин⁷.

Юқоридаги олимларни таърифлари ва илмий мунозараларидан келиб чиққан ҳолда транспорт-логистика соҳасида жудаям кўплаб ишлар қилиш керак ва илмий изланишлардан тўхталиб қолиш керак эмас.

Инқироз даврида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан бири транспорт марказларида замонавий логистика инфратузилмасини шакллантириш бўлиб, бу транзит юк оқимларини самарали сақлаш ва глобал таъминот занжирларининг ишончилигини ошириш имконини беради.

Логистика инфратузилмаси лойиҳаларини молиялаштиришнинг бир нечта асосий моделлари мавжуд:

- бевосита бюджетдан молиялаштириш;
- давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган махсус мақсадли жамғармалар ҳисобидан бюджетдан молиялаштириш;
- инфратузилма лойиҳаларини амалга оширувчи хусусий компаниянинг қарз мажбуриятлари ва акцияларини сотиб олиш орқали бюджетдан молиялаштириш;
- давлат-хусусий шерикликнинг (ДХШ) турли моделлари.

Логистик компанияларни молиялаштириш механизмлари ўз-ўзидан ташқи иқтисодий логистик стратегиясини ишлаб чиқишда жорий этишни қуйидаги моделлар бўйича амалга ошириш тавсия этилади: “кредит + лизинг”; “equity + лизинг”; “консалтинг + лизинг”; “венчур+лизинг”; “ҳудудий лизинг”; “корпорациялар учун лизинг пакети”; “технология + жиҳозлар” схемаси бўйича юқори технологик жиҳозлар импорти.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

⁶ Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Илмий мақола. “Иқтисодиёт ва

инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, 2015 йил июль-август

⁷ Хўжаев Ф.Е. Пўлатхўжаева Д.М. Айтиева С.А. Тижорат ва сервис логистикаси. Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент” 2018.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида кўзда тутилган масалалардан бири бу ташқи савдо транспорт йўлакларини янада диверсификациялаш учун қўшимча қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатдошлигини юксалтириш мақсадида транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш Комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси тегишли вазирлик ва ташкилотларга юклатилди. Ушбу дастурни амалга оширишда:

- умуман транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида - темир йўл, автомобиль ва авиация транспортини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юк ташиш бўйича улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро логистика марказларини барпо этиш, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини, йўл бўйидаги зарур инфратузилмани қуриш ва реконструкция қилиш, юк ташишда транспортларнинг ўтказиш қобилиятини кўпайтириш, шаффоф ва рақобат муҳитини яратиш, ҳаракат таркиби паркини кенгайтириш ва Давлат чегарасидаги ўтиш пунктларининг максимал даражада бехатар фаолият юритиши шарт-шароитларини таъминлаш;

- темир йўл транспорти соҳасида - темир йўл транспорти хизматлари сифати ва хавфсизлигини ошириш, янги темир йўл магистраллари қуриш, темир йўлларни электрлаштириш даражасини ошириш, мамлакатнинг ташқи савдо юклари асосий жаҳон ва минтақа бозорларига олиб чиқилиши учун халқаро транспорт йўлакларини шакллантиришни давом эттириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, мослашувчан тариф сиёсатини қўллаш, тармоқнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, логистика хизматларини такомиллаштириш ва ҳар хил транспорт турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни рационаллаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг темир йўл тармоғини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- автомобиль транспорти соҳасида - миллий ҳуқуқий базанинг халқаро ҳуқуқий база билан уйғунлашувини жадаллаштириш йўли билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий автоюк ташувчиларнинг оғир юкли автотранспорт воситалари ҳаракат таркиби паркини кенгайтириш, автомобилларда халқаро юк ташишнинг рухсатнома бериш тизимини такомиллаштириш, халқаро транспорт коммуникацияларига мақбул йўл билан чиқишни ва транзит ташувлар ҳажмини кўпайтиришни таъминлайдиган янги автомобиль йўлакларини шакллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- авиация транспорти соҳасида - юк ташиш ҳажмларини янада кўпайтириш ва парвозлар географиясини кенгайтириш, мавжуд инфратузилмани ва кўрсатилаётган хизматлар комплексини халқаро авиатранспорт хизматлари бозорига олиб чиқиш, юкларни авиация ёрдамида ташиш чоғида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда мослашувчан тариф сиёсатини қўллаш,



ҳаво кемаларининг авиация паркини кўпайтириш ва янгилаш, “Навой” Халқаро интермодал логистика марказининг имкониятларидан самарали ва тўлақонли фойдаланиш.

Логистика саноатининг молиялаштиришда қуйидаги қийинчиликлар мавжуд:

- Барқарорлик ҳаракати: Бутун дунё бўйлаб барқарорлик ва яшил дўстона амалиётни ўраб турган ҳукумат меъёрларининг кўпайиши ҳар бир соҳада бизнес юритиш услубини ўзгартирмоқда. Афсуски, бу кўплаб логистика компаниялари учун қиммат га тушмоқда. Бугунги кунда табиий газ билан ишлайдиган турли хил транспорт воситалари ишлаб чиқарилмоқда, ҳатто Пенске каби йирик транспорт компаниялари ҳам ушбу ҳаётий экологик амалиётни эрта татбиқ этиш орқали саноат соҳасида олдинда қолишмоқда.

- Технология: Технология бугунги кунда ҳар бир соҳанинг энг муҳим, инқилобий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, аммо аксарият саноат тармоқлари ушбу муқаррар ўтиш даврларининг логистик фаолиятида секин қабул қилишмоқда. Хусусан логистика ва транспорт соҳаси учун технология эволюцияси таъминот занжирини бошқаришда бизнес юритишнинг ҳар қандай услубига катта таъсир кўрсатишда давом этади.

Бугунги кунда логистика ва транспорт саноатига таъсир кўрсатадиган энг катта технологик ютуқлар қуйидагилардир:

Интернет: Доимий равишда ўсиб борадиган интернет орқали логистика соҳаси таъминот занжирларини бошқариш соҳасида ишларни тубдан ўзгартирадиган янги ақлли қурилмаларни яратилиши юк ташиш жараёнларининг қисқариши, инвентаризациясини бошқариш ва кузатишни янада самарали ўтказиш ва истеъмолчиларнинг қониқишини

оширишга (бу ўз навбатида кўпроқ бизнесга олиб келиши мумкин) олиб келиши мумкин. Электрон тижорат бугунги кунда логистика соҳасида инқилобни амалга оширмоқда ва логистика хизматлари ва маълумотларга асосланган ечимларга катта ишончини яратмоқда. Тобора кўпроқ логистика компаниялари ўзларининг эътиборларини катта маълумотларга эга бўлиш учун кўпроқ воситаларни татбиқ этишга қаратадилар, бу эса истеъмолчиларнинг қониқиш даражасини оширишда ва муваффақиятли таъминот занжирини яратади. Ушбу соҳада логистика компанияларининг кундалик операцияларини бошқариш услубини ўзгартирадиган турли хил янгиликлар мавжуд.

Автоматлаштириш: Ушбу концепция бугунги кунда тўлиқ яратилмаган бўлса-да, тўлиқ автоматлаштирилган юк машинаси ёки автомашинаси ғояси аниқ ишлайди. Бу секин ўтиш бўлади: бу оддий круиз назорати вариантыдан бошланди, у марказда тура оладиган ва атрофдаги автоуловлардан етарлича узоқроқ турадиган ва охир-оқибат юк машинасига айлана бошлайди. Буларнинг барчаси қанча вақт ўтиши ҳозирча номаълум, аммо логистика соҳасидаги кўпчиликнинг умид қилишича, бу соҳада ишчи кучи етишмовчилигига ёрдам бериш тезроқ амалга ошади. Объектларнинг Интернети билан бирлаштирилган автоматлаштириш логистика соҳасидаги омбор операцияларига ҳам таъсир қилади. Кўплаб стартаплар ва технологик компаниялар омборларни самарали бошқариш ва талабларини соддалаштиришга ёрдам бериш учун кўпроқ автоматлаштириш ва бошқариш вариантларини ишлаб чиқишни бошлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини



ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарорида худудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тadbиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсадида: саноат ва хизматлар соҳаси юқори суръатларда ривожланиб бораётган туманларда - савдо, меҳмонхона, овқатланиш ва логистика хизматларини, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар масканларни ташкил этишга устуворлик

бериш; чегара худудларда жойлашган ҳамда худудидан халқаро автомагистраль ва темир йўллар ўтган туманларни - савдо, туризм, логистика ҳамда йўл бўйи хизматларини кўрсатишга ихтисослаштириш вазифаси қўйилган⁸. Шу билан бирга йирик савдо комплекслари ва худудий савдо-логистика марказлари ташкил этиладиган туман ва шаҳарлар рўйхати келтирилган бўлиб, йирик савдо комплекслари ҳамда йирик савдо комплекслари худудлар тарихибидаги туман(шаҳар)лар кесимида қанча майдон ажратилгани келтирилган.

1-жадвал

Йирик савдо комплекслари ва худудий савдо-логистика марказлари ташкил этиладиган туман ва шаҳарлар рўйхати⁹

№	Худудлар	Туман (шаҳар) номи	Майдони (гектар)
Йирик савдо комплекслари			
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний тумани	2,4
2.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	5,8
3.	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	1,1
		Қарши тумани	1,0
4.	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	6,5
5.	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳри	0,3
		Навоий шаҳри	0,3
6.	Фарғона вилояти	Қўқон шаҳри	1,6
7.	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри	1,0
		Хива шаҳри	2,8
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	5,7
		Самарқанд тумани	3,1
		Ургут тумани	1,5
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	0,4
10.	Жиззах вилояти	Зомин тумани	2,0
11.	Сурхондарё вилояти	Денов тумани	18
		Термиз шаҳри	0,8
12.	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	7,0
		Янгийўл тумани	2,3
		Нурафшон шаҳри	2,0
		Ўртачирчиқ тумани	30
13.	Тошкент шаҳри	Янгиҳаёт тумани	71,6

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори.



Йирик савдо комплекслари			
14.	Анджон вилояти	Хўжаобод тумани	2,0
15.	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	34,0
16.	Наманган вилояти	Чуст тумани	7,5
17.	Фарғона вилояти	Қўқон шаҳри	52,0
18.	Тошкент вилояти	Ўртачирчиқ тумани	30,0
		Юқоричирчиқ тумани	21,0
		Қуйичирчиқ тумани	8,0
		Тошкент тумани	178,0

Транспорт қулайликлари мамлакат ривожини кўрсатувчи ва буни таъминловчи омиллардан бири. Юртимизда соҳа инфратузилмаси янгилашиб, шароитлар кенгайтирилаётгани ўз натижаларини бермоқда. Жумладан, авиация бозори эркинлашгани ҳисобига охириги уч йилда Ўзбекистонга парвозларни амалга ошираётган авиакомпаниялар сони 2 бараварга ўсган. Автомобилда халқаро юк ташишда маҳаллий корхоналарнинг улуши 62 фоизга етган. 300 километр темир йўл электрлаштирилган, 1 минг 500 километр автомобиль йўли қурилган. Лекин ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, қилинадиган ишлар жуда кўп. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Стратегик ислохотлар агентлиги томонидан соҳадаги ишлар натижадорлиги таҳлил қилинганда, бир қатор муаммолар аниқланган. Масалан, охириги уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 16 фоиз ўсгани ҳолда, темир йўлда юк айланмаси атиги 7 фоиз ошган. Авиацияда рақобат муҳити тўла шаклланмаган, 10 та аэропортнинг самарадорлиги паст даражада. Оқибатда, рақобатдош нархларда етказиб бериш қулайлиги бўйича Халқаро логистика самарадорлиги индексида мамлакатимиз 160 та давлат ичида 120-ўринни эгаллаган.

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида 2021 йил

18 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўрсатилган маълумотларга кўра, юкларни ташиш ҳажмини ошириш мақсадида қатновлар Истанбул, Урумчи, Острада, Шанхай, Сеул, Деҳли, Шицзячжуан, Льеж йўналишлари бўйича ўтган йилда қўшимча чартер шартномалар имзоланди. Ушбу ишларнинг бажарилиши натижасида ойлик юк ташувлар даромади 1,3 млн. доллардан 5,7 млн. долларга ошди. 2021 йил давомида 12 268 та рейс амалга ошириш орқали 1 933 минг йўловчи ва 42,5 минг тонна юк (шу жумладан пуллик багаж ва почта) ташиш режалаштирилди. Жорий йилда юк ташувлари ҳажмини янада ошириш мақсадида Тошкент – Гонконг – Тошкент – Тель Авив – Тошкент ва Тошкент – Гонконг – Тошкент – Киев – Тошкент янги йўналишлар бўйича парвозларни амалга ошириш, ушбу йўналишлар бўйича 2 минг тонна юк ташиш ва 5,8 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча даромад олиш кўзда тутилган.

Шу билан бир қаторда, жорий йил 6 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Иннопром-2021” халқаро саноат кўرғазмаси доирасида “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖ ва Россиянинг “РЖД Логистика” компанияси вакиллари ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлатгичли махсус рефрижератор контейнерларда ташиш учун Агро-Экспресс поездларни ташкил қилишга келишиб олинди. Мазкур янги йўналиш Ўзбекистоннинг экспорт



ташувлари, айниқса мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан МДХ, Эрон ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўл маъмуриятлари билан ўтказилган учрашувлар натижасида 2021 йил учун бир қатор чегирмалар олинишига эришилган. Бу эса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва ўзбек маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳозирги кунда Транспорт вазирлиги томонидан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги “Мозори – Шариф – Қобул – Пешавор” ва “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” транспорт ва транзит йўлакларини яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Мозори – Шариф – Қобул – Пешавор” темир йўлининг қурилиши Ўзбекистон ва Ўрта Осиё мамлакатларига дунё океанига чиқишга энг яқин йўл бўлиб, Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий Осиё ва Евроосиё темир йўллари билан узвий боғлаш имконини беради. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз транзит салоҳиятининг кескин ошишига хизмат қилади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида Покистондан Ўзбекистонга юкларни ташиш 35 кун эмас, балки 3-5 кунни ташкил қилади.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўл қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши Осиё Тинч океани ва Хитойдан Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон орқали юкларни Европа мамлакатларига ташиш учун янги халқаро транспорт коридорини яратади. Қолаверса, юкларни етказиб бериш вақти кескин қисқариб, Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Транспорт-логистика марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш учун учун бир қатор муҳим ишларин амалга ошириш лозим. Яъни:

- транспорт-логистикаси соҳасида “аниқ вақт” ва “эшикдан эшиккача” принцип асосида ишловчи, божхона, транспорт – экспедиторлик, омборхона ва информацион логистика соҳасида тўлиқ комплекс хизматларини кўрсатиш имкониятларига эга транспорт-логистика марказларини ташкил этишнинг аниқ ҳуқуқий механизми ва фаолиятни тўғридан тўғри тартибга солувчи қонун ёки қонуности ҳужжатларнинг ягона баъзаси шакллантириш;

- ҳозирги вақтда республикамиздаги транспорт-логистика соҳасидаги тарифларини пасайтириш;

- республикамизда халқаро транспорт-логистика марказларни ташкил этишда хусусий секторларнинг улушини кескин ошириш;

- транспорт-логистика марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи идоравий тузилмани яратиш лозим.

- юртимизда транспорт-логистика тармоқларини (марказлар) ривожлантиришга хусусий секторларни (аутсорсинг) ҳамда халқаро компанияларни жалб этиш учун миллий қонунчилигимизда транспортлогистикаси соҳасидаги жозибадорлик даражасини ошириш.

Мамлакатимизда логистика инфратузилмасини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- мамлакатимизнинг Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навои, Бухоро ҳудудларида логистика ҳаблари яратиш ва логистика ва транспорт тизимига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ;

- мамлакатимизда замонавий



логистика марказларини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

- маҳаллий, экспорт-импорт ва транзит товар айланмасини ривожлантиришга кўмаклашувчи логистика марказлари ташкил этишни ўз ичига олувчи мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- Ўзбекистоннинг географик жойлашуви замонавий омбор комплекслари ва логистика марказлари тармоғи ривожланишида стратегик муҳим жиҳат бўлиб, юкларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва савдо компаниялари логистикасини самарали ташкил этиш имконини

бериши мумкин.

Логистик компаниялар маҳаллий молия бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнида янги-янги йўналишлар юзага келтириши лозимдир. Улар қуйидагилардан иборат:

- лизинг бозорида янги иштирокчиларнинг юзага келиши;

- давлат ва банк шўъба лизинг компаниялари билан бир қаторда лизинг бозорида хорижий лизинг компаниялари ҳам фаолият олиб бориши мумкинлиги;

- машина ва жиҳозлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан боғлиқ лизинг компаниялари; тармоқ ва минтақавий лизинг компаниялари, шунингдек, тижорат банклари ва бошқалардир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
3. Есенкин Б.С, Крылова М.Д. “Логистика в книжном деле”. Учебник URL: <http://www.hi-edu.ru/e-books/xbook118/01part-014.htm> (дата обращения 10.09.2016).
4. Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфимл. Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие. – М.: “Вильямс”, 2015.
5. Хўжаев Ф.Е. Пўлатхўжаева Д.М. Айтиева С.А. Тижорат ва сервис логистикаси. Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент” 2018.
6. Стратегическое развитие малаго бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства [Электронный ресурс]: монография. Нижний Новгород: НОО “Профессиональная наука”, 2018.- Режим доступа: <http://scipro.Ru/Conf/monographbusiness>
7. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 4, 2015 йил июль-август.
8. Буранова М.А. Логистика. Маърузалар матни. – Т.: ТГГУ, 2011.
9. Умарова Д.М., Бўронова М.А. Логистика. Ўқув қўл. – Т.: ТДТУ, 2016.